

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

- 2004 йил, 29 июль, пайшанба № 90 (1978).
- Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
- Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН
МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКISTАН

- Четверг, 29 июля, 2004 г. № 90 (1978).
- Газета издается с 24 июня 1992 г.
- В розницу — цена свободная.

КОИКА раҳбари Ўзбекистонда

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) президенти Ким Сок Хён раҳбарлигидаги делегация аъзолари 28 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Содиқ Сафоев билан учрашди.

Музокарада икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ало-

қалари изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ўзбекистоннинг КОИКА билан ҳамкорлиги 1992 йилда ўрнатилган эди. 1993 йилда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги Тошкентда ваколатхона очди. Шундан буён мазкур ташкилот Ўзбекистонга техникавий ва гуманитар соҳаларда кўмак бериб келмоқда.

Шу кuni меҳмонлар Жаҳон иқтисодиёти ва диплома-

тия университетиди ҳам бўлдлар.

КОИКА президентининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Рустам Қосимов билан мулоқоти чоғида мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама этилди.

Ким Сок Хёнга Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг фахрий доктори унвони топширилди.

(ЎЗА).

Билимлар юлдузларга етаклар

Болалигимизда космонавт бўлишни ҳаммамиз ҳам орзу қилганмиз. Юлдузли осмон ҳозирги ёшларни ҳам ўз сирлари билан жалб қилмоқда. 16-халқаро аэрокосмик мактаб (ХАКМ) машғулоти болаларга кoinотнинг чексиз уммони, инсониятга космос сирларини очишда ёрдам бераётган илғор технологиялар ҳақида кўп янгиликларни билиш имконини беради. Бу йил ХАКМни Ўзбекистон Фанлар академияси, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, «Росзарубежцентр»нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, қатор илмий, ишлаб чиқариш ва жамоат тузилмалари ташкил этди.

Аэрокосмик мактаб — вақтинчалик иккунлик жамоа бўлиб, унга юқори синф ўқувчилари, талабалар, олимлар, шу жумладан Ўзбекистон Фанлар академияси космик тадқиқотлар маркази ва бошқа ташкилотлар мутахассислари кирди. Унинг олдида ўқувчиларга аэрокосмик техника соҳасида муҳандис ва тадқиқотчи касби учун зарур билимчи кўникма ва сифатларни сингдиришга қаратилган ўқув-тарбиявий тадбирлар

мажмуини амалга ошириш вазифаси қўйилган. Бугун ХАКМ аввалги йилларда унда иштирок этган МДХ мамлакатлари, Болгария, Буюк Британия, Германия, Покистон, Франция, АҚШ вакиллари билан бирлаштирилади.

Ўзбекистон Фанлар академиясида ХАКМ—2004 йилнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Анъанага кўра кoinот эволюцияси ҳақидаги биринчи маърузани Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, академик Беҳзод Йўлдошев ўқиди. «В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти бош директори Вадим Кучеров уларни мамлакатимизда самолётсозликни ривожлантириш истиқболлари билан таништирди. «Эйр Франс» авиакомпанияси Бонинг-747 самолёти экипаж командирини Кристин Дебюзининг чиқиши йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. У ХАКМ—2004 да иштирок этиш учун бир гуруҳ франциялик ўқувчилар билан бирга келган. ХАКМ—2004 йилнинг очилиш маросимида академик Шавкат Воҳидов ҳам қатнашди. Айнан унинг ташаббуси билан Ўзбекистонда биринчи

аэрокосмик мактаблар ташкил этилган эди.

Мактаб доирасидаги асосий тадбирлар Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Қизилсой» соғломлаштириш лагериди бўлиб ўтди. Машғулотлар ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида олиб борилади. Қорақалпоғистон, республикамиз вилоятлари ва пойтахтдан келган 40 дан ортиқ ёш тинловчи ҳамда уларнинг франциялик тенгдошлари жуда кўп янги билимларни эгаллаш керак бўлади. Эътиборли жиҳати шундаки, бу гал болалар республика матбуоти ва Интернетда чоп этилган «космик» викторина натижаларига кўра танлаб олинди.

Мактабнинг икки ҳафталик дастури жуда бой. Унга тинловчиларнинг илмий-техник, маданий ва махсус умумфизикавий тайёргарлиги кирди. Маърузаларни таниқли олимлар, космонавтлар, ҳаво кемалари учувчилари, аэрокосмик фан мутахассислари ўқиди. Машғулотлар якунлангандан 7 август кuni қатнашчилар томонидан ясалган ракеталар, самолёт моделлари, варраклар осмонга учурилади. Ёнг яхши фантастик ҳикоя ва расм таплови ҳам ўтказилади. Барча мусобақадаги ғолибларнинг ишлари ХАКМ музейга қўйилади ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Правда Востока» газетаси, «Росзарубежцентр»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси соғиринлари билан тақдирланади.

(ЎЗА).

Германиядан инсонпарварлик ердами

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятига Германия Қизил хоч ташкилотидан тиббий анжомлар ва боғлаш материалларидан иборат умумий қиймати 340 минг еврога тенг инсонпарварлик юки келди. Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлараро ко-

миссиясининг кўп йиллик дастури доирасида кўрсатилган ушбу муруват ердами мамлакатимиздаги тиббиёт муассасалари ва Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг тиббий-ижтимоий марказлари учун мўлжалланган. Германия Қизил хоч таш-

килотидан келган тиббиёт анжомлари ва материаллари вилоят шифохоналари, республика илмий марказлари ва бошқа тиббиёт муассасаларига топширилади.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Суд давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 29—30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятларида терроризм ва қўпурвчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахс устидан суд жараёни давом этмоқда. Суд жараёнига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б. Жамо-

лов раислик қилмоқда. Судланувчилар дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш, терроризм, боққинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни боққинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда ва бошқа қатор

ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган.

Суд мажлисининг иккинчи кuni судланувчиларнинг кўргазмаларини тинглаш билан бошланди. Кун бўйи давом этган суд жараёнида судланувчилар Ф. Юсупов, Ф. Қазакбаев, Х. Ишматов, Е. Асланов, Н. Курбаналиев, Р. Юсуповнинг жиноят иши юзасидан кўргазмалари тингланди.

Суд жараёни давом этмоқда. (ЎЗА).

Умумармия ўйинлари давом этмоқда

Ватан ҳимоячиси — соғлом, жисмонан бақувват, маънан етук мустақил Ўзбекистонимизнинг асл фарзанди!


Ҳар бир ҳарбий энг аввало етук спортчи ҳамдир! Бунини шу кунларда айни авжи палласига чиққан Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича БИРИНЧИ УМУМАРМИЯ УЙИНЛАРИ натижалари ҳам яққол исботлаб турибди.

Янги номлар, янги чемпионлар кашф этилмоқда. Янги рекордлар ўрнатилмоқда.

Эртага ҳарбий спортчиларимиз юртимиз довруғини оламга таратишига ишончимиз комил!

Офицерлар учкураши

МЕЗБОНЛАР—ҒОЛИБ



Илгари хабар қилганимиздек, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Умумармия ўйинлари доирасида офицерлар учкураши бўлиб ўтди. Армиямизнинг фахри, асосий таянчи ҳисобланувчи офицерларимиз уч кун давомида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Дейлик, дастлабки кунги машқ — Макаров пистолетидан нишонга отишда янги тартибдаги кўрсаткичлари билан Қоровул қўшинлари вакиллари ҳакамлар ва иштирокчилар этирофига сазовор бўлишди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қўшинлар вакиллари бундайин мусобақаларда илк бор қатнашишгапти. 100

метрга эркин усулда сузиш баҳслари ҳам мurosасиз беллашувларга бой бўлди. Бунда Шарқий ҳарбий округ жамоаси биринчи ўринни олганлигини қайд этиб ўтганмиз. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқ жоиз. Офицерлар учкурашида асосан билим юртлари жамоалари бошидан охиригача фаоллик қилишди. Ҳарбий округларнинг офицерлардан иборат жамоалари мусобақага жиддий ҳозирлик кўришмагани мусобақа давомида аён бўлди. Бу ўринда Шарқий ҳарбий округ жамоасини бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Иш-

(Давоми 2-бетда).

С ПОЛЕН БОЕВОЙ УЧЕБЫ

«ВПРАВО—ДЕСЯТЬ, ДАЛЬШЕ—ТРИСТА!»

Современные боевые действия очень трудно себе представить без активной огневой и транспортной поддержки авиационных подразделений. Особенно эффективны в горах вертолеты. Они доставляют военнослужащих различных подразделений в самые недоступные места, обеспечивают им доставку продовольствия, воды и боеприпасов. Они же производят разведку местности, наносят по противнику штурмовые удары, доставляют подкрепление, эвакуируют больных и раненых.

Как показал опыт противодействия международным террористам и тактических учений в горных условиях,

успешное применение вертолетов возможно только при самом тесном взаимодействии с выполняющими учебно-боевые задачи воинскими подразделениями. Однако направить в каждую боевую группу офицеров боевого наведения из авиачастей не представляется возможным. Поэтому перед каждым выходом в горы становится актуальной качественная подготовка нештатных авиационных пилотов, способных своевременно связаться с экипажем вертолета, точно вывести его на малозаметную цель или посадить на ограниченную по размерам пригодную для вертолета площадку. (Окончание на 2-й стр.).

● ҚАСАМЕД—2004

БҮРЧИМИЗНИ ҲАҚИҚАТГА

2004 йил 27 июль куни мажлис Мамажон Сатқулов командирлик қилаётган сафарбарлик қақуруви резервидаги хизмат батальонининг набатдаги йигини иштирокчилари тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилишди. Ушбу тантанани давлат ва жамоат ташкилотларидан вакиллар, йигини қатнашчиларининг ота-оналари, қариндош-уруғлари иштирок эттишти.

— Мен, — дейди Қўнғирот туманилик йигини иштирокчиси Роҳат Машарипов, — бир ой давомида сафдош дўстларим қатори ҳарбий ҳаётга оид кўпгина сир-синоатлардан воқиф бўлдим. Мен Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида сафарбар-

лик қақуруви резервидаги хизмат йигинида иштирок этганимдан беҳад мамнунман.

— Ҳарб илмига оид илк сабоқ, илк маълумотни олдик, — дейди йигини иштирокчиси Тўртқўл туманилик Икром Собиров, — бу илми чуқурлаштириш, мукаммаллаштириш энди бундан буюн ўзимизга боғлиқ. Йигит киши ҳаммиса Ватанининг қорига яраши керак. Ватан ҳимояси унинг зиммасида. Шундай экан биз ҳаммиса жисмонан бақувват, соғлом ва шу билан бирга ҳарб илмидан бохабар бўлишимиз керак. Бугун биз Ватанимизга, халқимизга, Президентимизга содиқликка тантанали равишда қасамёд

қилдик. Бугун умримиз давомида ана шу қасамёдимизга содиқ қоламиз.

— Мен Беруний туманидан бўламан, — дейди яна бир йигини иштирокчиси Шавкат Ёқубов. — Сафарбарлик қақуруви резервидаги хизмат менга жуда маъқул бўлди. Биринчидан ватандан ютдим, иккинчидан, Ватан олдидаги йигитлик бурчимни ўтаётман.

— Сафарбарлик қақуруви резервидаги хизмат йигини иштирокчилари билан ишлашнинг ўзига хос афзаллиги ва қийин томонлари мавжуд, — дейди батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Акрамжон Шохимов. — Афзал томони шундаки, уларнинг ақсарияти ҳаётда ўз

ўзини топган, оқ-қорани таниган, яхши-ёмини фарқловчи олий маълумотли кишилар. Вазифани айтганда, айтаман, дарров илғаб олишди. Йигин вақти қисқалиги туфайли ҳарбий ҳаётга кўникма ҳосил қилиш жараёнини ҳам тезлатиш керак. Бу биздан жуда катта куч ва масъулият талаб этади. Қийин томони ана шунда.

Йигини иштирокчилари билан ишлашда офицерларимиздан капитан Раҳман Мавлонов, катта лейтенантлар Шокир Аслонов, Тоҳир Матмушевлар жуда фаоллик кўрсатишмоқда.

Мен бугун Ҳарбий қасамёд қабул қилган йигини иштирокчиларини чин қалбимдан табриқлайман ва кейинги ҳаётларида муваффақиятлар тилайман.

Подполковник Абдуразақ ОБРУЕВ, «Ватанпарвар» муҳбири, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ.

Билган янглишмайди

Ҳар бир ҳарбий хизматчи учун амалдаги қонулар, Умумҳарбий ниҳомларни мукаммал билишлик ҳеч қачон фойдадан холи бўлмаган. Аслида, билишлари шарт ҳам. Чунки билган ҳеч қачон янглишмайди. Лекин биз истаймизми, истамаймизми, шол орасида қурмак бўлганидек, ана шу билиш зарур бўлган нарсаларига сал бепарво назар ташлайдиганлар ҳам учраб туради.

Биз ҳарбий суд ходимларининг асосий вазифаси фақат жиноят содир этган ҳарбийларни жазолашдан иборат деб ўйлайдиганлар янглишмайди. Биз имкон топдик дегунча, ҳарбийлар орасида бўлиб, улар билан ҳуқуқий мавзуда, амалдаги қонулар, Умумҳарбий ниҳомлар тўғрисида суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказиб бормоқдамиз. Яқинда ана шундай учрашувлардан бирини Шимоли-ғарбий ҳарбий округи офицерлар уйида ўтказдик. Унда ҳарбий қонунчилик, қисм на бўлиналарда суриштирувчиларнинг ишнини қандай ташкил қилиш масалалари апрофлича ўрганиб чиқилди. Учрашувимиз жуда қизиқарли ўтди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган ҳуқуқда оид кўплаб саволларга жавоб топди.

Учрашувда округ ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия майори Н. Жўраев ҳам иштирок этди.

Адлия майори О. ЯКУБОВ, Шимоли-ғарбий ҳарбий округи судьяси.

«Вправо—десять, дальше—триста!»

(Оқончаник. Начало на 1-й стр.)

... На очередное занятие в авиаторов прибыли представители подразделений силовых структур и Министерства обороны, и пограничных, и внутренних войск. Всем им при действиях в горах постоянно необходима вертолётная поддержка. У проводящего учебное занятие начальника группы боевого управления капитана Улугбека Маллабосева большой опыт обеспечения наведения вертолетов и самолетов в горных условиях.

— Наводка вертолета — дело непростое и очень ответственное. Прежде, чем приступить к его изучению, хочу напомнить несколько правил, — начал свое занятие капитан У. Маллабосев. — Первое из них — понимать, что авианаводчик ничем не должен обнаружить свое присутствие. Умение скрытно управлять вертолетом — это то, что в первую очередь позволит вам успешно выполнить поставленную задачу.

После нескольких часов теоретических занятий будущие авианаводчики вышли на взлетно-посадочную полосу. В находившемся здесь вертолете занял свои боевые места экипаж капитана Мухаммада Едгорова, готовый выполнить очередное целеуказание. А простирившаяся впереди холмистая местность вполне могла сойти за горный район. Поначалу военнослужащие волновались, были не совсем точны в командах, путали ориентиры. Но вот переносную радиостанцию взял в свои руки выпускник Чирчикского ВТКУ 2001 года старший лейтенант Анвар Шербоев: «Ориентир — разрушенная кошара. Вправо — десять, прямо — триста, пулемет в кустарнике. Уничтожить!».

Четкая постановка задач и уверенное поведение офицера, командира боевой группы, уже имеющего опыт авианаводки, ободрило присутствующих. Один за другим военнослужащие потянулись к радиостанции, пока не окрестные командирские голоса недавно окончивших школы подготовки сержантов-профессионалов звучали все тверже и требовательней.

Хорошие результаты в ходе занятий показали лейтенант Бахтиер Алибоев и младший сержант Химмат Расулов из частей Министерства обороны, специалисты-связисты младшие сержанты Хуснидин Самадов и Абдуракул Бобомуратов из внутренних войск, пограничники младшие сержанты Атабек Норинов и Шокир Курбанмуратов, номер расчета АГС и старший стрелок.

Кто же эти воины, так уверенно и четко определявшие направление на цель и дальность до нее? Как выяснилось в дальнейшем, большинство из них уже обучались корректировке огня приданной артиллерии. Имея такой опыт, они легко освоились и с управлением огнем воздушной боевой машины. А до этого большинство нештатных авианаводчиков окончили... финансовые колледжи или, по крайней мере, бухгалтерские курсы. Так что можно не сомневаться, — выполняя учебно-боевую задачу в горах, они педантично, словно сводя дебит с кредитом, высчитают местоположение противника и наведут на него боевые вертолеты. И, конечно, благодаря полученным на тактических занятиях знаниям и навыкам маскировки и скрытой связи, постараются при этом ничем не выдать своего присутствия.

Владимир КАЛОШИН, корр. «Ватанпарвара».

Юртга содиқ ўғлонлар

27 июль куни Навоий гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида наватдаги сафарбарлик қақуруви резерви (СҲР) хизматига жалб этилган фуқароларнинг ойлик йигини иштирокчиларининг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантанаси бўлиб ўтди. Яна бир гуруҳ ўғлонлар Ватан, эл-юрт ҳимоясига доимо шай эканликларини амалда исботлаб, қасамёд қилдилар.

Тантананида иштирок этиш учун Навоий шаҳар ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов, Навоий гарнизони бошлиғи полковник Олимжон Умрасулов,

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими бошлиғи В. Бобоев, Навоий ҳарбий суди судьяси адлия майори Боқижон Яҳёев ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари ташриф буюрдилар. СҲР йигини иштирокчиларини табриқлаш учун ота-оналар номидан сузга чиққан навоийлик Ибодат ола Мукаррамова ва Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидан келган Аъзам ака Ашуровлар уларнинг доимо халқига ва Президентига содиқ бўлишларини тилади.

Майор Мирза АШУРОВ, Навоий гарнизонида.



Жанговар техника билимдонлари бир неча тиннали оғир машиналар билан бемалол «сирлашадилар». Суратда кўриб турганингиз лейтенант Шухрат Исмоилов (чапда) ва механик ҳай-

довчи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Соиб Тўйчиевлар (ўнгда) ана шундай ўз ишнинг билимдонларидан.

Александр МРУЧАК олган сурат.

● ЭЪТИРОФ

ИШТИЁҚ ОРТМОҚДА

Тошкент автомобиль йўллари институти ҳарбий кафедраси талабалари ўқув йигини ўтказилаётгани ҳақида хабар берган эдик. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу йигини уларга жуда кўп нарсани ўргатди. Талабалар дала-ўқув машғулотида чоғида назарий олган билимларини амалиётда синаб кўриш имкониятига эга бўлмоқдалар. Тактик ўқув машғулоти, саф тайёргарлиги, қисқаси, ҳақиқий ҳарбий санъат ҳақида билим ва маҳоратларини мукаммаллаштиришда уларга мазкур ўқув-йигинининг

аҳамияти катта бўлмоқда. Энг асосийси, йигитлар ҳақиқий ҳарбий ҳаётга чуқурроқ кириб боришяпти. Ватан, юрт ҳимояси масъулияти ҳақида уларнинг тасаввур олами кенгаймоқда. Буни биз билан суҳбатда бўлган талабаларнинг фикрларидан ҳам англаб олиш қийин эмас.

— Менга борган сари ҳарбий ҳаёт кўпроқ манзур бўлмоқда, — дейди талаба Нурқосим Қомилходжаев. — Бу соҳанинг қандайдир ўзгача жозибаси бор экан. Жанговар санъат ва жисмоний тайёргарлик машғулоти жуда даям завқли. Ўзимга бўлган

иншонч, айни чоғда юрт ҳимояси учун ҳар қандай оғир синовларга бардош ҳисси борлигини чулғаб олмоқда. Сафдош дўстларим ҳам қайсидир маънода ижобий томонга кескин ўзгаришган. Шуниси қувонарликки, бу ерда улар янаям иноқлашди, назаримда. Бизга яратилган шарт-шароитлар эса кўнгилдагидек. Ҳатто, ҳар бир белгиланган режа ўз вақтида, қатъий интизом асосида сифатли адо этилиши билан иборатли ҳамдир. Бизга шушча қулайликлар яратиб берган шу муқаддас она дийримиз,

халқимиз хизматини қилишга доим тайёрмиз.

— Биз ўрганаётган билим ва машғулотлар институтида ёғаллаётган соҳамиз узун ҳам голят зарур экан, — дейди мазкур институтининг автотранспорт факультети талабаси Илҳомжон Ҳасанов. — Бунинг устига келажаким учун ҳам ҳарбий илм жуда керак эканини англаб етдим. Мақтаняпти, деб ўйламанг-у, аммо ростдан ҳам аввалгига нисбатан анча пишиб, тобланимиз. Ва бу ҳол дилимда Қуролли Куларга нисбатан иншонч ҳиссини орттирди. Армияда хизмат бурчини адо этган йигитларнинг иродали, кучли ва албатта, маънавияти ҳам етук бўлишига шубҳам қолмади. Ўзим ҳам бевоҳида бундайлар сафига яқин турганимдан фахрланаман. Тинчликнинг, ота-она ва дў-

ту биродарларнинг қадрини англаймиз. Қисқаси, ҳарбий хизмат ҳаёт мактаби экан. Ана шу мактабда олган билимларимни халқимиз хизмати йўлида сарф этишга ўзимни мажбур деб биламан. Барча дўстларим номидан айта оламаники, биз доимо қасамёдга содиқ ва юрт хизматида шай тураимиз.

Кўриниб турибдики, йигитлар ҳарбий соҳадан фахрийфтихор тўйгуларини ҳис этиб, асло пушаймон бўлаётганлари йўқ. Қолаверса, жисмоний ҳамда жанговар санъат соҳаси билан бирга дўстқарашларида ҳам ижобий натижалар кўзга ташланмоқда. Бу эса уларнинг келажак ҳаётларида ҳам ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Лейтенант Ешпа ҚАКИМОВ, «Ватанпарвар» муҳбири.

ОВЕН. На этой неделе может возникнуть лишь одна проблема — стремление объехать необъятное. Практически в любой сфере ждут перемены в сторону увеличения. Расширится круг общения, возникнут новые обязанности. Появится причина, которая позволит в дорогу. Новые знакомства будут способствовать профессиональному успеху. Придется потратить время и деньги, чтобы помочь друзьям. Старайтесь сохранять благоволазмие и спокойствие.

ТЕЛЕЦ. Воля, энергия и счастливый случай могут оказаться в одной упряжке. Не поддавайтесь искушению рассуждать исключительно на веселе. Планируйте свои дела. Добьетесь замечательных целей. Будет оправдан некоторый риск. Может грозить непонимание со стороны окружающих. Не стоит обращать внимания на некоторую их неадекватность.

БЛИЗНЕЦЫ. Инициативность способна стать залогом успеха и благополучия в дальнейшем. Есть вероятность дальнейшей зарубежной поездки. Самодисциплина, собранность и осторожность будут просто необходимы. Период благоприятен для знакомств и развития существующих отношений. Постарайтесь воспринимать происходящее без лишних эмоций. Найдите поддержку.

РАК. Активно и ярко может проявиться дар предвидения. Может открыться то, что ни один оракул не смог бы предсказать. Посвятите время непродолжительным, но важным мероприятиям. Вероятно знакомство с людьми, которым будет интересны ваши проблемы. Сохраняйте хладнокровие и выдержку. Не поддавайтесь на провокации. Их может оказаться в избытке.

ЛЕВ. Степень оригинальности, обаяния и оригинальности будет зашкаливать. Обстоятельства благоприятны тому, чтобы увеличить святу приверженцев и обожателей. Повышается вероятность интересных встреч и знакомств. Прежние отношения с некоторыми людьми увидят в благоприятном свете. Придется готовить торжественный прием. Не будьте слишком самозабвенны, иначе не сможете оценить текущую ситуацию. Благополучие может напрямую зависеть от поведения.

ДЕВА. Приятные сюрпризы и огорчительные неожиданности будут необходимы. Период благоприятен для знакомств и развития существующих отношений. Постарайтесь воспринимать происходящее без лишних эмоций. Найдите поддержку.

В домашних делах берите инициативу на себя. Будут удаваться поиск жилья для отдыха и найм мастеров для ремонта. Наметьте позитивный сдвиг в делах.

ВЕСЫ. Могут потребоваться философский взгляд на проблемы и хладнокровие. Градуют дни активных взаимоотношений и взаимопонимания. Сможете добиться от своего партнера практически невозможного. Чрезмерное правдолюбие может привести к спорам и взаимным обвинениям с окружающими. Наступает благоприятный момент для отпусков.

СКОРПИОН. Основными могут стать дела, связанные с семьей и домом. В доме все окажется переставленным, передвинутым, близкие могут лишиться привычных ориентиров. Любые изменения хороши в разумных пределах. С легкостью устраним любой конфликт на работе. Направьте энергию на общее дело. Могут посетить новые ценные идеи — постарайтесь их осуществить.

СТРЕЛЕЦ. Может наступить время большой активности в партнерских отношениях. Вряд ли удастся работать в одиночестве. Начало недели благоприятно для поездок. Сможете найти достойных союзников.

Резкие высказывания способны осложнить отношения с коллегами. Постарайтесь контролировать свои эмоции.

КОЗЕРОГ. Можете легко поддаться искушению перейти границы дозволенного. Не позволяйте различным выходкам. Будьте способны совершить несколько опровергнутых шагов, призовите на помощь свою осторожность. Нуждайтесь в отдыхе. Возьмите отпуск, не откладывая визит к врачам. Наладьте отношения — как с начальством, так и с подчиненными.

ВОДОЛЕЙ. Можете одолеть гора идей и проектов. Большинство из них нежизнеспособны и оторваны от реальности. Может появиться желание начать все сначала. Пятница порадует неожиданными прибылями или находками. Появится возможность применить теоретические знания на практике. Результаты порадуют.

РЫБЫ. Чувства могут быть подвержены испытаниям, скорее всего, это связано с разлукой с кем-то. На работе успех может сопутствовать. Не разменивайтесь по мелочам. Планы могут измениться. Воскресенье лучше провести в комфортной обстановке, избегая ненужных контактов. Могут разгуляться нервы.

2 АВГУСТА

- 6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Тахлилнома»
8.50 «Кусто коммандасиниг суволи»
9.40 «Соғлом она — соғлом бола»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Ингилликлар
10.05 «Камалак»
11.30 «Сарвиноз» ракс ансамблининг концерти.
12.05 «Рағина дун»
12.30 «Киндик хаёти»
13.00 «Дастурхон атфода»
13.10 «Яхши ва ёмон ингилликлар»
14.10 «Узбекистон Республикаси мустанқиллигининг 13 йиллигини олддан»
14.40 «Итпалар» фильм.
16.05 «ЎзДЭУавто Сиз учун»
16.20 «Антика томоша»
16.50 Муслим танаффуси.
17.00 «Болалар сайраси»
18.10 «Эрмончи» Премьера.
18.30 Бир жуфт кўшик.
18.40 «Хангома»
19.10 «Мулкдор»
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.00 Оқимон эрталари.
20.15 «Шеърға кўчган кўнгли»
20.30 «Ахборот»
21.05 2004 йил - Мехр ва муруват йили.
21.25 «Кўшнгиғимиз Сизга армуғон»
21.45 «Кўза эртаги»
22.55 «Ахборот-дайджест».

2 АВГУСТА

- 17.20 «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклиғимиз - кутлайғимиз»
17.55 «Хориз хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс»
18.15 «Медицина для Вас»
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт»
18.50 «Табриклиғимиз-кутлайғимиз»
19.20 «История любви»
20.20 «Муруват»
21.15 «Приватизация: шаг за шагом»
22.15 «За гранью реальности»
22.20 Кинооқо. «Тутси».

2 АВГУСТА

- 2.00 «Доброе утро, Россия!»
5.45 Комедия «Охотники за привидениями. Пять лет спустя»
7.30, 21.00 «Новости»
7.45 «Бодрое утро»
8.45, 17.00 «Новости» (рус.).
9.00 «Ракетная мощь»
9.10 Международный спорт: «Про-Олимп»
10.10 «Олимпийские легенды и предания»
10.40 «Спортлугуб»
17.15 «Спорт-антракт»
17.20 Смехопанорама.
18.00 «Клон»
19.00 «Жди меня»
20.00 Время.
20.30 «Летский спорт»
20.45 «Королевы спорта»
21.15 «Бизнес-рею»
21.20 13-й годовщина Независимости Республики Узбекистан.
21.40 «Из истории Олимпиады»
22.20 «Еврофутбол».

2 АВГУСТА

- 17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 Смехопанорама.
18.00 «Клон»
19.00 Жди меня.
20.00 Время.
20.30 «Улицы разбитых фонарей»
21.40 Криминальная Россия. «Зомби». 1-я серия.
22.10 «Форе-мажор»
22.50 Боевик «Снайпер»
00.40 Триллер «Двойник»
2.10 Комедийный детектив «Где же Марлоу?»
3.50, 4.05 Сернал «Уровень-9».

ТЕЛЕАНОНС «ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

Узбекистон телевидениесининг биринчи канали 8 август кунни соат 10.00 да Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирига ҳарбий студияси томонидан тайёрланган «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувининг навабдаги сонини томошабинлар эътиборига ҳавола этади. Дастурда асосан I Умумармия Уинлилари натикалари, финал мусобақаларидан таҳсилдор, голиблари тақдирлаш лойиҳаларида видео-

РЕКЛАМА 56-54-76 ОБЪЯВЛЕНИЯ

КУПЛЮ Куплю мотоцикл. Т.: 135-63-65. РАЗНОЕ Утеранный вкладыш на

ЧИРЧИКСКОЕ ВЫСШЕЕ ТАНКОВОЕ КОМАНДНО-ИНЖЕНЕРНОЕ УЧИЛИЩЕ

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРС НА ЗАМЕЩЕНИЕ ВАКАНТНЫХ ДОЛЖНОСТЕЙ: — профессора кафедры гуманитарных и социально-экономических дисциплин; — доцента катедры «Устройства и эксплуатация БТВт» кафедры «Устройства и эксплуатация техники и вооружения». Кандидатам знание государственного языка обязательно. Обращаться по адресу: г. Чирчик, ул. А. Темира, ЧВТКИУ, отдел кадров. Телефоны для справок: 6-31-44, 6-42-94.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАСИЯИ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 27 июльда бошбас равоқта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек бошқона ва бошқа

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАСИЯИ БАНКИ АХБОРОТИ

1 АҚШ доллари 1025,99
1 Евро 1244,53
* Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг суммаси исбатан қуйидаги қийматини белгилади:
1 АҚШ доллари 1025,99
1 Евро 1244,53
* Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг суммаси исбатан қуйидаги қийматини белгилади:

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Хўстатые историй', 'Док. сериал «Великие иллюзии»', 'Невероятные приключения янки в Африке', etc.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Доброе утро, Россия!', 'Новости', 'Смехопанорама', etc.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Доброе утро', 'Новости', 'Смехопанорама', etc.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Хўстатые историй', 'Док. сериал «Великие иллюзии»', etc.

3 АВГУСТА

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00, 20.30 «Ахборот»
8.40 Газеталар шарҳи
9.00 «Кусто»...

20.05 Катток.
20.40 «Елтон аспарис»,
21.30 Марди майлон,
21.50 Олтин мерос...

16.00 «Слабое звено»,
17.00 Вечерние новости (с субтитрами),
17.20 «Владимир Сальников»...

14.30 «Хвостыте истории»,
15.00 «Вечера на хуторе близ Диканьки...»,
16.30 «Колыбель будет качаться»...

8 АВГУСТА

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот»
8.35 «Камалат»
10.00 «Ватанинга хизмат қилман»...

7.30 «Но-восты»,
7.45 «Бодрое утро»,
8.45, 17.00 «Но-восты» (рус.)...

3.00 Комедия «Финистогны в Рок-Вегасе»,
4.25 «Дятел Вуди»,
5.05 «Дружная семейка»...

5.25 Мультфильм «Кашкулы в Простоквашино»,
5.45 Фильм «Приключенный Фина»...

7.00 «Мунаввар тонг»,
8.30 Мехмонхона,
9.00, 13.00, 19.00 «Давр»...

9.00 «Детский спорт»,
9.15 «Ракетная мощь»,
9.25 «Болгарские игры»,
9.55 «Спортланд»...

2.00 «Доброе утро, Россия!»,
5.45 «Бедная Настя»,
6.45 «Каменская-2»...

8.00 «Икс-мены»,
8.25 «Маска»,
8.50 Мультфильм «Дружная семейка»...

7.00 «Мунаввар тонг»,
8.30 Буш ўстирма,
8.55 Иккин,
9.00 «Давр»-репортаж...

9.10 «Икс-мены»,
9.25 «Маска»,
9.50 Мультфильм «Дружная семейка»...

7.30 «Жизнь в слове»,
8.00 «Ураганчики»,
8.30 «Мистер Бамп»...

8.30 «Дикая планета»,
«Лето на Фолклендских островах»,
9.25 «Коты-самурай»...

К СВЕДЕНИЮ АБОНЕНТОВ КАБЕЛЬНОГО ТЕЛЕВИДЕНИЯ
В сети вещания российских ТВ-каналов возможны временные изменения...

I Умумармия ўйинларидан дараклар

МЕЗБОНЛАР—ҒОЛИБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тирокчилар билан бу борада фикрлашганда, ҳарбий округлар вакилларининг баъзилари «ҳарбий билим юртида имконият катта-да», дея ўзларини оқлашмоқчи бўлишди. Шунинг яхши биламизки, барча қисм ва бўлинмаларда жисмоний тайёргарлик билан шуғулланишга шарт-шароит етарли. Имкон топиш, вақт топиш, энг муҳими — хоҳиш ҳар бир офицернинг ўзинга боғлиқ. Мазкур мусобақа натижалари ҳали таҳлил этилади. Мутахассислар бу орқали қўшинлардаги жисмоний тайёргарлик аҳолини билиб олишади. Ахир, Умумармия ўйинларидан кўзланган мақсадлардан бири қўшинларда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳолини чуқурроқ билишдан иборат-да.

Офицерлар учкурашига қайтадиган бўлсак, учинчи кунги мусобақа ҳам мurosасиз ўтди. Маълумки, бунда қатнашчилар ёш бўйича гуруҳларга бўлиниб, 1, 2, 3 километр масофага югуришади. Беллашувда умумжамоа ҳисобида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти биринчи, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти иккинчи, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси учинчи ўринни эгаллашди. Янқа тартибдаги юқори натижалар ҳам асосан билим юртлари вакиллари томонидан кўрсатилди. 40 ёшгача бўлганлар орасида биринчи ўрин Самарқанддаги билим юрти вакили майор А. Сайдуллаевга, иккинчи ўрин Чирчиқдаги билим юрти вакили подполковник С. Эргашевга, учинчи ўринлар мезбон билим юртидан подполковник Х. Авазатов ва Шимоли-ғарбий ҳарбий округдан майор И. Тўраевларга насиб этди. 35 ёшгача бўлганлар орасида эса мезбон билим юрти вакили капитан Ж. Шокировга ҳеч ким тенглаша олмади. Шарқий ҳарбий округ лейтенанти Э. Носиров иккинчи, 24358-сонли қисм вакили капитан Ш. Соатов учинчи ўринларни эгаллашди. Ниҳоят, 30 ёшгача бўлганлар ўртасидаги баҳсда энг яхши натижаси билан Самарқанддаги билим юрти вакили катта лейтенант М. Мамадаминов биринчи, Чирчиқдаги билим юрти вакили катта лейтенант Шерматов иккинчи, Ҳаво ху-



жумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий Ҳаво Кучлари вакили катта лейтенант Э. Абдурахмонов учинчи погонани забт этишди. Хуллас, ана шундай натижалар билан учинчи — сўнгги кун беллашуви якунланди. Подполковник Эдуард Яушев бошчилигидаги ҳакамлар натижаларни ҳисоблаб чиқишди. Бунга кўра, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти жамоаси офицерлар учкураши ғолиби бўлди. Иккинчи ўринни Чирчиқ, учинчи ўринни Самарқанд билим юрти жамоалари эгаллашди. Янқа тартибдаги умумий натижа-

лар ҳисобланиб, мусобақа ғолиблари аниқланди. 30 ёшгача бўлганлар орасида биринчи ўрин Самарқанддаги билим юрти вакили капитан У. Тимофеевга насиб этди. Учунчи ўринни ҳам унинг жамоаси катта лейтенант М. Мамадаминов эгаллади. Иккинчи ўринга мезбон билим юрти вакили лейтенант Ш. Хаиров муносиб бўлди. 35 ёшгача бўлганлар орасида мезбон жамоадан капитан Ж. Шокиров ҳеч кимга имконият қолдирмади. Шарқий ҳарбий округдан лейтенант Б. Носиров иккинчи, Чирчиқдаги билим юртидан майор Д.

Шарипов учинчи погонани эгаллашди. 40 ёшгача бўлганлар ўртасида Чирчиқдаги билим юртидан подполковник С. Эргашев биринчи, Самарқанддаги билим юртидан майор А. Сайдуллаев иккинчи, Шимоли-ғарбий ҳарбий округдан майор И. Тўраев учинчи ўринларни забт этдилар.

Хуллас, офицерлар учкураши ҳарбий-амалий спортнинг бу муҳим бўғилидан баркамол, етуқ ҳарбий спортчиларимизни кашф этди, дея оламиз.

Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» муҳбири.



ФУТБОЛ
Неожиданный „подарок“

Вчера состоялись завершающие поединки группового турнира, каждый из которых носил принципиальный характер, ибо от их результатов зависела судьба выхода в четвертьфинал некоторых команд, а кое-кто работал уже с более далеким прицелом. К примеру, футбольные коллективы Восточного военного округа и ВПВО и ВВС (группа «С») уже обеспечили себе место в 1/4 финала и теперь, встречаясь между собой, борются за первое место в группе, что в последующем давало им право «скрестить шпаги» с менее грозным соперником. Что же касается поединков ТВОУ и СВВАКИУ, а также ТВО — в/ч 24358 (группа «Д»), то здесь сложилась весьма интригующая ситуация. Следует отметить, что по своему составу — это самая сильная группа, а потому до последнего момента не было ясно, кто же из этой четверки продолжит свое выступление в следующей стадии турнира. Вернее, основное соперничество развернулось только между тремя клубами — ТВОУ, СВВАКИУ и ТВО, а вот футболисты войсковой части 24358 здесь выглядят аутсайдерами и, уступив в двух играх вперед, они заранее лишились всех шансов на дальнейшее участие. К моменту решающих встреч у СВВАКИУ было шесть очков, у ТВОУ и ТВО — по три, но двое последних имели возможность также стать обладателями еще трех очков, а это означало, что положение команд выравнивалось, их дальнейшую судьбу решал исход встреч между собой.

Как уже говорилось выше, эти матчи проходили в тот момент, когда верстался номер, а потому о них я расскажу чуть позже. Сейчас более подробно хотелось бы остановиться на поединках третьего игрового дня, тем паче, что некоторые из них заслуживали особого внимания.

В группе «А» встречались к тому времени уже обладатели путевки в четвертьфинал — футболисты Специального факультета Министерства обороны при ТУИТ и команда ЦВО. Надо сказать, что будущие офицеры-связисты заплучили это почетное место при

(Окончание на 8-й стр.)

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА КРОССИ

ЧИРЧИҚЛИКЛАРНИНГ ЯҚҚОЛ УСТУНЛИГИ

Ҳарбий хизматда чидамлик, ирода каби муҳим хислатларни шакллантиришга ёрдам берадиган кросс бўйича мусобақалар Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоасининг (ЧОТҚМБЮ) тўла устунлиги остида ўтди. Учала оралиқ масофаларда мезбонлар вакиллари ғолиблар сафидан жой олишди. Илгари хабар берганимиздек, 12 ва 8 километрга югуришда биринчи ва иккинчи ўринларни мезбонлар вакиллари эгаллаганди. Командалар биринчилигида икки кундан сўнг пешқадамлар қўйидагилар эди: ЧОТҚМБЮ, Жануби-ғарбий махсус ҳамда Шарқий ҳарбий округлари. Учунчи кун баҳсларида олдин 24358-сонли ҳарбий қисм вакиллари ҳам жиддий

рақобат қилиши кутилганди. Чунки, биринчи куннинг ўзидаёқ ушбу жамоа вакили иккинчи сержант Санжар Ботиров соврилли ўринни эгаллаб, жамоасининг юқори погоналарни забт этишга жиддий тайёргарлигини исботлади. — Жамоавий курашда совринли ўринни эгаллашда мумкин қадар юқори натижа кўрсатсангиз, умумий балларингиз баланд бўлади, — дейди жамоа вакили майор Шухрат Илбоев. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти (СОҲАҚМБЮ) жамоаси вакили курсант Тўйчи Тошбеков учунчи ўринни эгаллаган бўлса ҳам, шеритининг сусткашлик билан ичтирок этиши жамоалар баҳсида биринчи учликка киришга имкон бермади.

— Анъанага кўра, спортчиларимиз айнан кроссда доимо кучли ҳисобланарди, — дейди СОҲАҚМБЮ вакили подполковник Лутфиддин Бойматов. — Менимча, биринчи кунни битта курсантимиз дистанцияни тарқ этгани қолганларга салбий таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Ҳа, самарқандликлар иккинчи кунда курсант Тўйчи Тошбековнинг учунчи ўринни эгаллаганига хурсанд бўлишса ҳам, жамоалар ҳисобида пешқадамлар сафига кири оlishмади. Кроссинг учунчи оралиқ масофасида ҳам мезбонлар ғолиблигини қўлдан беришмади — 5 километрга югуришда ЧОТҚМБЮ курсантлари Фарход Раҳмонов ва Акмал Икромов биринчи ва учунчи ўринларни эгаллаб, жамоала-

рига қимматли очколарни тақдим этишди. Балки, йигитларга билим юрти бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник Александр Мокеевнинг финишда уларни қутиб, қўллаб-қувватлагани қўшимча куч бағишлагандир. Иккинчи ўринни эса СОҲАҚМБЮ спортчиси лейтенант Азиз Ҳайдаров эгаллаган бўлса ҳам, самарқандликлар жамоавий курашда юқорилай олишмади. Уч кунлик баҳслар натижаларига кўра, биринчи учликда ЧОТҚМБЮ, 24358-сонли ҳарбий қисм ва Марказий ҳарбий округи вакиллари борлишмоқда. — Учунчи кунда спортчиларимиздан анча яхши натижа кутгандим, — дейди Ҳаво хужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий Ҳаво Кучла-

ри жамоаси вакили майор Бахтиёр Эшназаров. — Аммо, энг кучли йигитимиз ҳам бешинчи ўрин билан ниҳонланди. Демак, кросс тайёргарлиги борасида ҳали кўп ишлашимиз лозим экан. Беллашувлар шаҳардан анча узоқда жойлашган полигонда ўтганлиги боис, томошабинлар унча кўп бўлмади. Аммо, келганлар вақтини зое ўтказишмаганини таъкидладилар. — Шундай жазирама иссида ҳақиқий ҳарбийларга хос ирода ва матонат кўрсатганлиги учун йигитларга раҳмат, — дейди навбатчи машина ҳайдовчиси шартнома бўйича хизмат сержанти Талгат Асанов. — Тўғри, айримлар оралиқ масофани тарқ этишди, аммо барчаси жон-жаҳди билан кураш олиб бориб, томошабинларга завқ бағишладилар. Энди чирчиқликлар ҳарбий учкураш бўйича мусобақаларга мезбонлик қилишмоқда. Майор Аблай КАМОЛОВА, «Ватанпарвар» муҳбири.

● ГИРЕВОЙ СПОРТ

«ЖЕЛЕЗНАЯ ИГРА» — ДЛЯ СИЛЬНЫХ

На соревнования по гиревому спорту съехались 30 претендентов на награды. Во вторник на помост померялись силами выходили атлеты в двух весовых категориях — до 60 кг и до 70 кг. И вечеру в результате упорной борьбы были выявлены победители и призеры соревнований.

Девятнадцать атлетов решили поспорить за награды Всеармейских игр в весовой категории до 60 кг. О жесткой конкуренции за призовые места говорит не только количество участников, но и накал борьбы, сложившейся между спортсменами, горевшими желанием победить.



После выполнения первого упражнения произошел значительный «отсев» участников. Острая борьба в основном развернулась между курсантом Обидом Мукимовым (ТВОКУ) и старшим лейтенантом Зафаром Назаровым. У них были равные шансы на победу.

Курсант О. Мукимов был сильнее своего соперника в толчке (31 раз), зато уступил в рывке (26 раз). А старший лейтенант З. Назаров показал результаты: в толчке — 28 раз, в рывке — 30 раз. По сумме двоеборья со 114 очками курсант Обид Мукимов стал победителем. Всего лишь на два очка отстал от

него старший лейтенант Зафар Назаров. Бронзовал из града досталась рядовому Дониеру Исмаилову (ВПВО и ВВС), который в сумме двоеборья набрал 104 очка.

В весовой категории до 70 кг приняли участие 23 атлета. Но несомненным лидером в этом весе был многократный чемпион Вооруженных Сил мастер спорта международного класса сержант по контракту Валерий Коробков (ТВО). Он в течение уже нескольких лет подряд никому не уступает мастерства в данной весовой категории. На этот раз Коробков первенствовал в сумме двоеборья с 322 очками. Серебряный призер курсант Дмитрий Жуков (ЧВТКИУ) набрал 172 очка. А третье место завоевал курсант Шерали Сафаров из ТВОКУ, набравший 160 очков.

Когда верстался номер. Стали известны имена победителей и призеров Всеармейских игр по гиревому спорту в других трех весовых категориях:

Вес до 80 кг:
курсант Фозыл Темиров (ЧВТКИУ, 322 очка) — 1-е место;
курсант Ойбек Ибрагимов (ЧВТКИУ, 320 очков) — 2-е место;
старший лейтенант Насыр Назаров (ТВОКУ, 270 очков) — 3-е место.

Вес до 90 кг:
лейтенант Ойбек Имамов (ТВОКУ, 360 очков) — 1-е место;
лейтенант Андрей Зиновьев (ЧВТКИУ, 218 очков) — 2-е место;
лейтенант Уткир Музафаров (ВВО, 200 очков) — 3-е место.

Вес свыше 90 кг:
курсант Миркомил Хамдамов (ЧВТКИУ, 364 очка) — 1-е место;
старший лейтенант Равшан Абдиев (ТВОКУ, 360 очков) — 2-е место;
лейтенант Данил Жуковский (СВВАКИУ, 264 очка) — 3-е место.

Команды:
ЧВТКИУ — 1-е место;
ТВОКУ — 2-е место;
ВПВО ВВС — 3-е место.
Майор Хайриджин ЗАЙНИЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

● КУПКУРАШ

Курсантлар ҳам фаол

Ташкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ҳарбий спорт мажмуида кувруви кўпкураш мусобақалари қизгин суръатда давом этмоқда. Дастлабки кун ҳарбий спортчилар кўпкурашнинг 100 метрга югуриш бўйича мусобақасида беллашишди. Мурасасиз ўтган баҳсларда мезбон жамоа — ТОУҚБЮ жамоаси 8850 очко жамғариб, ҳозирча пешқадамлар сафида. Унинг ортидан Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муқандислик билим юрти жамоаси шунқорлари боришяпти. Улар 8550 очко жамғаришган. Учинчи погонани эса Шарқий ҳарбий округ жамоаси 6450 очко билан банд этиб турибди. Янқа тартибда-

ги кўрсаткичлар борасида гап кетганда, 30 ёшгача бўлганлар орасида мезбон жамоанинг курсанти сержант А. Турсуновга ҳеч ким тенгаша олмади. 35 ёшгача бўлганлар орасида эса яна мезбон жамоа вакили капитан Н. Бобомуродов 1-погонани банд этди. 40 ёшгача бўлганлар орасида эса Чирчидаги билим юрти кичик сержанти В. Шодмонов энг яхши натижа кўрсатди.

Кўриниб турибдики, беллашувлар суръати анча баланд. Кўпкурашнинг қолган мусобақалари ҳам ана шундай кўтаринки руҳда ўтади, деб умид қиламиз.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» муҳбири.



(Оқончание.
Начало на 7-й стр.)

весьма неординарных обстоятельствах. Их встреча с курсантами ДВВАУ завершилась ничью — 2:2, что позволяло джизакцам претендовать на место в восьмерке четвертьфиналистов, поскольку и первая встреча принесла им одно очко. Однако наставников команды ДВВАУ подвело их огромное желание одержать победу любыми путями. Они для усиления выпустили на поле незаявленного игрока. Подобное не осталось незамеченным, и по решению главного судьи футболистам ДВВАУ засчитано техническое поражение. Подобный случай — пока единственный в футбольных соревнованиях на Всеармейских играх, но он оставил горький осадок. Думается, что происшедшее станет предметом серьезного разговора и руководство команды ДВВАУ сделает нужные выводы. Исходя из вышесказанного, у футболистов СФ МО при ТУИТ, таким образом, стало три очка. Команда

Неожиданный «подарок»

ЦВО чувствовала себя менее комфортно, ведь у нее было всего одно очко и нужна была хотя бы ничья. Но довольствоваться малым они не стали и уверенно переиграли соперника — 3:1.

Поражение от сборной ТВО заставило решительно действовать и футболистов ТВОКУ, а потому с первых минут встречи с командой в/ч 24358 они стали искать счастья у чужих ворот, правда, не всегда успешно, о чем свидетельствовал их минимальный перевес в первом тайме — 2:1. Во втором — твочкины заметно прибавили, и их преимущество незамедлительно вылилось в забитые голы. В конечном итоге они одержали внушительную победу — 5:1.

Лидеры этой группы — команды СВВАКИУ и ТВО — встречались между собой. Надо признать — это была игра равных по силе соперников. Они отчаянно боролись за каждый метр поля, бесстрашно вступали в единоборства, из-за чего, конечно, не удалось избежать и травм. Но судья Игорь Тишев четко контролировал ход игры, не позволяя переступить грани дозволенного. Самаркандцы, несмотря на то, что проводили вторую игру подряд, в то время как футболисты ТВО имели день отдыха, на мой взгляд, смотрелись посвежее. Они быстрее передвигались, разнообразней

комбинировали, что и позволило им на 12-й минуте выйти вперед. Едва прозвучал свисток, известивший о начале второй половины игры, как футболисты СВВАКИУ вновь отличились — оба этих мяча на счету Шухрата Абдинадинова, который и принес общую победу своей команде — 2:0. И все же истинным героем матча самаркандцы считают своего вратаря Умиджона Абдукадырова, сыгравшего выше всяких похвал и тем самым сделавшего себе достойный подарок ко дню рождения.

А тем временем групповой турнир завершился. Как ни старалась команда ВВО, но в упорнейшей борьбе она уступила команде ВПВО ВВС — 3:4 — и заняла в группе второе место. А это означает, что в четвертьфинале она встретится с лидером группы «Д» — сборной СВВАКИУ, которая в завершающем матче уверенно переиграла курсантов ТВОКУ — 3:0. Сборная ТВО, как и предполагалось, взяла верх над командой войсковой части 24358 — 6:2 — и также стала обладателем путевки в следующую стадию турнира. Таким образом, в играх 1/4 финала встречаются: ЦВО — караульные войска МВД, Специальный факультет Министерства обороны при ТУИТ — ЧВТКИУ, ВПВО ВВС — ТВО, ВВО — СВВАКИУ.

Ярослав КОРУКА.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА ЭСТАФЕТАСИ

Самарқандликлар реванш олишди

Уч кун мобайнида асосий рақибларидан кроссада устунликка эришолмаган СОҲАҚМБЮ вакиллари ниҳоят, тўртинчи кунда эстафета натижаларига кўра галаба нашидасини суришди. Аммо жамоавий баҳсларда бу галаба ҳам самарқандликларга совриндорлар сафига қўшилишга имконият бермади...

Биринчи куннинг натижалари бўйича пешқадамлар қаторида ЧОТҚМБЮ, 24358-сонли ҳарбий қисм ва Марказий ҳарбий округ спортчилари боришяптанди. Ҳар бири уч километрдан, уч босқичдан иборат кроссчилар эстафетаси беллашуви энг қизиқарли ва ҳаяжонли бўлиши кутилганди.

Эстафетадан олдин Марказий ҳарбий округ вакили капитан Раҳматилла Муҳаммадиевдан жамоа имкониятлари ҳақида ўз фикрини билдиришни илтимос қилдик.

— Жамоалар ҳисобида учинчи ўринни сақлаб қолганимизга ишончим комил, — дейди капитан Р. Муҳаммадиев. — Янада юқорироқ поғонага кўтарилишимиз керак эди, аммо 12 километрлик кроссада шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Олим Казаконинг тўртинчи ўринни олганлиги беқор қилинган, бу жамоага салбий таъсир кўрсатди. Олим билан бирга бутун кичик сержантлар Шухрат Рўзиев ва Мирзохид Боллевлар югуришди. Кўрасиз, бизнинг учлигимиз ҳақиқий ҳарбий профессионаллар эканлигини исботлашди.

Ҳамсуҳбатимиз округ сержантлар тайёрлаш мактабида

хизмат қилаётган шогирдлари ҳақида катта ишонч билан гапирди. Аммо 24358-сонли ҳарбий қисмдан ҳам сараланган ўғлонлар тўплаганини ёдимиздан чиқармаганимиз афзал. Тўғри, эстафетадан олдин МХО вакиллари бор-йўғи икки очко орқада эди, холос. Лекин айнан эстафетада бу фарқ кескин кўпайиши ҳам мумкин...

Стартдан сўнг биринчи босқич якунланишини интиқлик билан кутаямиз. Уч километр масофани югуриб ўтиш учун спортчилар полигон трассасидан икки марта айланишлари шарт. Ниҳоят, биринчи спортчи кўринди, у СОҲАҚМБЮ курсанти Шерзод Рашидов бўлиб чиқди. Эстафетани курсант Тўйчи Тошбеков қабул қилди. Эслатиб ўтамиз, 8 километрлик кроссада Тўйчи учинчи ўринни олиб, Умумармия ўйинлари бронза медали соҳибига айланди. Иккинчи бўлиб мезбонлар эстафетани бир-бирига топширишди — курсант Элдор Шокировдан қизил лентани курсант Фарҳод Раҳмонов қабул қилиб олди. Фарҳод кунга кеча 5 километрлик кроссада голиб чиққанди.

Учинчи босқичга инкала жамоа даярли тенг келди, фақат Фарҳоднинг олдинги чарчот кетмагани сезилди, у озгина орқада қолиб, эстафетани курсант Азимжон Абдукаримовга топширди. Самарқандликлардан эса ҳал қилувчи босқичда кумуш медали соҳибига лейтенант Азиз Хайдаров курашга тушди. У ҳам кунга-кеча қизгин баҳсада қатнаш-

ган бўлса-да, икки давра мобайнида шериклари олиб борган устунлики қўлдан бермади. Финишда мезбонлар вакили қанча уриммасин, барбир бўйи-баста анча устун бўлган офицер имкониятни қўлдан бермади.

Учинчи ўринни эса 24358-сонли ҳарбий қисм жамоаси эгаллади, лейтенант Ойбек Набиев ва катта лейтенант Лутфулло Раджабов олиб берган имкониятни шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Анвар Темиров кўкка соғурмади. Метин ирода кўрсатиб, учинчи бўлиб маррага етди.

Шундай қилиб, жамоалар баҳсида совринли уч ўрин қўйидагича тақсимланди — ЧОТҚМБЮ — биринчи, 24358-сонли ҳарбий қисм — иккинчи ва Марказий ҳарбий округ учинчи. Самарқандликлардан ташқари, совринли учинчи ўринга Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ вакиллари ҳам даъвогар бўлишганди.

— Биринчи икки кун давомида яхши бораётганди, — дейди жамоа вакили катта лейтенант Жаҳонгир Зиёев. — Аммо 5 километрлик кроссада бешинчи ўринга тушиб кетдик, эстафетада ҳам бўшроқ қатнашиб, натижада олтинчи ўрин билан кифояланишга мажбурмиз.

Ҳа, бунини спорт дейдилар. Кимдир галаба нашидасини суради, кимдир мағлубият аламини тотиб кўради...

Майор Аблай КАМОЛОВ.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.
АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.
Таҳририят манзили: 700031, Ташкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмаҳонасида чоп этилди.

Адади 17840.

Буюртма № 0248.